

ПУДРАТ ШАРТНОМА № 10

25 10 2022йил

Тошкент шахри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Тошкент тиббиёт академиясининг Куп тармокли клиникаси** номидан **Устав** асосида иш кўрувчи раҳбари **Д.А.Рустамова** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган ООО “BEAUTIFUL WORK INVEST” номидан **Устав** асосида иш кўрувчи **O.C.Хасанов**

(РАҲБАРИНИНГ ФАМИЛИЯСИ ИСМӢ СОНАСИНИНГ ИСМӢ)

иккинчи томондан “Клиникадаги 6-бино нинг иссик-совук сув тизими, исситиш тизими, канализация тизими ва бинонинг юмшок том кисмини жорий таъмирлаш” га доир мазкур пудрат шартномани туздилар.

I. Тарифлар

1.1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар кўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

таъмирлаш майдони – мазкур шартнома доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган бино. Объектнинг таъмирлаш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки боз режага мувофик белгиланадиган бошқа белгилаб қўйилади;

II. Шартнома мавзуси.

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига томондан “Тошкент шахар Олмазор туманида жойлашган Тошкент тиббиёт академиясининг Куп тармокли клиникаси 6-биносининг иссик-совук сув тизими, исситиш тизими, канализация тизими ва бинонинг юмшок том кисмини жорий таъмирлаш” лойихада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр холда таъмирлаш бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар киймати

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг карори 2022 йил “20” 10 даги № 161320 сон баённома билан объектнинг таъмирлаш киймати қўшимча киймат солиги (ККС) билан 1 498 538 369 (Бир миллиард тўрт юз тўқсон саккиз миллион беш юз ўттиз саккиз минг уч юз олтмиш тўқкиз) сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

-Таъмирлаш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- объекtnинг таъмирлаш бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

3.4. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ваёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- Таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1 - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган таъмирлаш учун объект ва таъмирлаш ишлари тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва карор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига умумий шартнома суммадан бунак (аванс) ўтказиб берилади.

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

6.1. Шартнома: миллий валюта «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб миллий валютада «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилинганда - шартнома конун хужжатларига мувофик рўйхатдан ўtkазилгандан кейин кучга киради.

6.2. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар шартнома имзоланиб аванс тулов тушган кундан эътиборан 25 кунни ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг олдиндан 15 фоизи микдорида бунак ўтказади, бу **224 780 755 ,35** (**Икки юз йигирма тўрт миллион етти юз саксон минг етти юз эллик беш сўм 35 тийин**)ни ташкил этади.

7.2.Пудратчи томонидан иншоотда ойма-ой бажарилган таъмирлаш ишларини жорий молиялаштиришга буюртмачи томонидан тасдикланган хисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) асос бўлади.

7.3.Объект кийматининг 5 (беш) фоизи микдори тўлови шартномадаги ишлар тўлик бажарилиб натижаси харажатлар хисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) шаклида расмийлаштирилиб буюртмачига топширилиб, кафолатли муддат ўтгач ва фойдаланувчи ва буюртмачи томонидан иншоотнинг ҚМИлари бўйича эътиrozлар йўклиги тўгрисидаги уч томонлама далолатнома тўлик имзолангандан кейин амалга оширилади.

7.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнода бажармаган такдирда, Пудратчи бу хақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

8.1. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг **VI бўлимида** кўрсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

8.2.Таъмирлаш объектида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

8.3. Буюртмачи таъмирлаш объектини топшириб бериш тўгрисидаги далолатнома имзолангандан бошлаб уч кун муддатда таъмирлаш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш

8.4. Пудратчи ўзи томонидан таъмирлашга қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини

тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.5. Агар Буюртмачи Пудратчи томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва таъмирлаш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир

- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлади.

8.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб қолишилар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек таъмирлаш тугаллашнинг узилкесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

- Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

- Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни кўриклаш

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан таъмирлаш ишлари тугаллангунгача Буюртмачи томонидан материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк обьект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, бундай ҳолатда ишни таъсир этган вактига томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

- Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равища узайтирилади.

XI. Таъмирлаш ишлари тугалланган обьектни қабул қилиб олиш

11.1. Таъмирлаш ишлари тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек таъмирлаш ишлари тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб **15** кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Пудратчи таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига ҳамда таъмирлаш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

- ўзи томонидан таъмирлаш учун қўлланиладиган материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

12.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12** ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниклануб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

- Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади;

- Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

12.4. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган такдирда амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хукукига эга.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хукукига эга.

13.3. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5. Шартнома бекор килинган тақдирда айбордor томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган, ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбордor томон иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди;

-Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

14.2. Мазкур шартнома тегишли иловаларида кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганилиги, ўз вактида молиялаштирумaganлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи бош пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар кийматининг 50,0 фоизидан ошмаслиги лозим;

- Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

14.3. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиклашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи бош пудратчига ўзи тасдиклашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,5 фоизи микдорида жарима тўлайди.

14.4. Бош пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида

пеня тўлайди, бирок бундан пеняниг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50,0** фоизидан ошмаслиги лозим;

- Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун бош пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун курилиш нормаларига мос равища бажарилмаганлиги учун бажарилган ишлар қийматининг **0,5** фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пеняниг умумий суммаси курилиш нормаларига риоя этилмаган ҳолда бажарилган ишлар қийматининг **50,0** фоизидан ошмаслиги керак;

- пеня тулаш пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

14.5.Агар бажарилган курилиш-монтаж ишлари лойиха талабларига, белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иичи хужжатларига мувофик булмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитекткурилишназорат» инспекциясининг хulosаси асосида, объектни кабул килиш ва унинг учун ҳак тулашдан бош тортиши, шунингдек бош пудратидан курилиш нормаларига риоя килинмаган ҳолда бажарилмаган яни зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **20,0** фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

14.6.Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкири шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мulkнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган жарима билан копланмаган заарни коплайди.

14.7.Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкacha тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун жарима тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алохида шартлар

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин; мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳакикий хисобланади.

16.3. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

16.4. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин таъмирлаш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи таъмирлаш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечиктиришга ҳаклиdir.

16.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

16.6. Мазкуршартномага томонлардан бош пудратчи ва буюртмачи томонидан имзо қўйилгандан сўнг ва Фазналик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан кейин конуний хисобланади.

16.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

16.8. Мазкур шартнома 2022 йилнинг 31 декабряга кадар амалда бўлади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи

Пудратчи

«ООО “BEAUTIFUL WORK
INVEST»

Манзил: Тошкент ш. Юнусобод
тум. 18/40А/18

Тел: +998 99-548-33-81
Х/Р 2020 8000 4051 5216 3001
Банк: Давр Банк Олмазор фил
МФО: 01121

ИНН: 306 933 511

ОКОНХ 95120

ОКЭД: 43990

Код ККС: 326120167097

О.С.Хасанов

Директор



Хукукий хулюса



Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси Фукаротик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўгрисида»ги конуни ва бошка меъёрий хужжатларга асосланган холда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш мuddati, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Юристконсульт

Р. Азизова Р.М.

2022 йил " 25 " 10

10 -сон шартномага
1 -илова

Коррупцияга қарши курашиш бўйича

АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўгрисидаги конун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай харакатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф килмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян харакатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий кимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу харакатларга йўл кўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф ХУкумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоқка тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига зид келадиган хатти-харакатларига, шу жумладан, коррупцияга оид хукуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қўйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор килиши керак:

"1008" ишонч телефони;

Telegram-канали (@anticorbot);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар "ярим қора" шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

ООО "BEAUTIFUL WORK INVEST"

Директори

О.С.Хасанов



Буюртмачи:



2644759

**СВИДЕТЕЛЬСТВО****О государственной регистрации юридического лица
(субъекта предпринимательства)**

Настоящим подтверждается, что в Единый государственный реестр субъектов предпринимательства внесена запись о создании:

Общество с ограниченной ответственностью "BEAUTIFUL WORK INVEST"

(Полное наименование юридического лица – субъекта предпринимательства с указанием организационно-правовой формы)

ООО "BEAUTIFUL WORK INVEST"

(Сокращенное наименование юридического лица)

10.12.2019

За регистрационным номером:

789578

число, месяц (прописью), год:

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

306933511

Организационно-правовая
форма:**Общество с ограниченной ответственностью**

Местонахождение:

город Ташкент, Юнусабадский район, 18 MAVZE 40A-UY, 18-XONADON,

Свидетельство выдано:

город Ташкент, Юнусабадский район, ЦЕНТР
ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ

(Полное наименование регистрирующего органа)





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FAMILIYASI
XASANOV
ISMI
OTANIYOZ

JASI
ERKAK

OTASHMING ISMI
SATTAROVICH

TUG'ILGAN JOYI

28 12 1977 SAMARQAND VILOYATI

O'ZBEK
KIM TORMIDIAN BERILGAN
TOSHKENT SHAHAR YUNUSOBOD
TUMANI IIB

MILLATI
TUG'ILGAN SANASI
PASPORT NR
AA7091523

SHAXSHIN IMZO / HOLDER'S SIGNATURE
Abdullaev

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PASPORT PASSPORT TURKIYE / TYPE DAY / AT KOCHI / COUNTRY CODE
P
UZB

PASSPORT RAJAM / PASSPORT No.
AA7091523

FAMILIYASI / SURNAME
KHASANOV

IMAM / GIVEN NAMES
OTANIYOZ

FUDAROLIGI / NATIONALITY
UZBEKISTAN
TUG'ILGAN SANASI / DATE OF BIRTH
28 12 1977
JIRSI / SEX
M

SAMARKAND REGION

BERILGAN SANASI / DATE OF ISSUE
25 09 2014
AMAL CHUSH MUDDATI / DATE OF EXPIRY
24 09 2024

PERSONAL LASHIRI / IRISH ORGANI AUTHORITY
STATE PERSONALIZATION
CENTRE

P<UZBKHASANOV<<OTANIYOZ<<<<<<<<<<<<<
AA70915239UZB7712289M2493281277389003502

YASHASH JOYI / ADDRESS

YASHASH JOYI / ADDRESS





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

QO'SHILGAN QIYMAT SOLIG'I SOLIQ TO'LOVCHISI SIFATIDA RO'YXATDAN
O'TGANLIGI TO'G'RISIDA
GUVOHNOMA

С В И Д Е Т Е Л Ъ С Т В О
О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

QQS RO'YXAT RAQAMI

РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС

326120167097

Mazkur guvohnoma QQS soliq to'lovchisi sifatida hisobga qo'yilganligi va QQS shaxsiy ro'yxatga olish raqami berilganligini tasdiqlaydi

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

Soliq to'lovchining nomi

Наименование налогоплательщика

"BEAUTIFUL WORK INVEST" MCHJ

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami

Идентификационный номер налогоплательщика

306933511

Shaxs QQS soliq to'lovchisi bo'lган сана

Дата с которой лицо становится плательщиком
НДС

01.08.2021

Ro'yuxatdan o'tish sanasi

Дата регистрации

13.08.2021



Ma'lumotnomada ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'rilib qiling.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки
подлинности информации.

Тошкент тиббийёт академиясининг Куп тармокли клиникасининг б-ниноси иссиқ-совук сув тизими, исситиш тизими, канализация тизими ва бинонинг юмшок том кисмини

**ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШНИНГ
КАЛЕНДАР ЖАДВАЛИ**

н/р	Иншоотда бажариладиган ишлар номи	Ул.бир	Ишлар киммати	2022 йил			Иншоотни фойдаланишига тозшириш муддати
				Ноябр (1 -15)	Ноябр (15-30)	6	
1	2	3	4	5	6	7	10
1	КРОВЛЯ						
2	РАЗДЕЛ 1. РЕМОНТ МЯГКАЯ КРОВЛЯ	м2	324 490 111	324 490 111			
3	РАЗДЕЛ 2. ОТОПЛЕНИЯ	м	713 895 700	285 558 280	428 337 420		
4	РАЗДЕЛ 3. ХОЛОДНЫЕ И ГОРЯЧИЕ ЛИНИИ	м	241 172 771	96 469 108	144 703 662		
5	РАЗДЕЛ 4. КАНАЛИЗАЦИЯ	м	203 102 254	81 240 902	121 861 353		
6	РАЗДЕЛ 5. СТЕН	м2	15 877 533	15 877 533			
	ЖАМИ		1 498 538 369,00	787 758 401	710 779 968		

Пудратчи:

"BEAUTIFUL WORK INVEST"
МЧК рабари

